

IX. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР


Қашқадарё вилояти ташқи савдо айланмаси 2018 йилнинг январь–декабрида 754,7 млн. АҚШ долларни, жумладан экспорт 265,9 млн. АҚШ долларни, импорт-488,8 млн. АҚШ долларни ташкил этди.

Ташқи савдо сальдоси -222,8 млн. АҚШ долларни, шу жумладан МДХ давлатлари билан 17,3 млн. АҚШ долларни ва бошқа давлатлар билан -240,1 млн. АҚШ долларни ташкил этди.

Қашқадарё вилоятининг ташқи савдо айланмаси (2018 йил январь–декабрь)

	<i>млн. АҚШ доллари</i>	<i>2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан, % ҳисобида</i>	<i>Жамига нисбатан улуши, % ҳисобида</i>
Ташқи савдо айланмаси	754,7	126,4	100,0
МДХ давлатлари	178,2	97,8	23,6
бошқа давлатлар	576,5	139,0	76,4
Экспорт	265,9	117,5	100,0
МДХ давлатлари	97,7	119,7	36,7
бошқа давлатлар	168,2	139,0	63,3
Импорт	488,8	131,9	100,0
МДХ давлатлари	80,4	80,1	16,4
бошқа давлатлар	408,4	151,2	83,6
Сальдо	-222,8	x	100,0
МДХ давлатлари	17,3	x	7,8
бошқа давлатлар	-240,1	x	92,2


**МДХ ва бошқа давлатларнинг Қашқадарё вилоятини
ташқи савдо айланмасидаги улуши
(2018 йил январь-декабрь)**



Қашқадарё вилоятининг 2018 йил январь-декабрь ҳолатига ташқи савдо айланмасидаги улушининг 23,7 % МДХ давлатларига тўғри келади қолган 76,3 % бошқа давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Бу курсаткичлар 2017 йилда мос равишда 30,5 % МДХ давлатларига тўғри келган бўлса қолган 69,5 % бошқа давлатлар ҳиссасига тўғри келди. Қашқадарё вилоятининг МДХ давлатлари билан олиб борилган ташқи савдо айланмаси 2018 йилнинг январь-декабрь ҳолатига 178,2 млн АҚШ долларни ташкил қилган бўлса, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 97,8 фоиз қузатилган. Шундан экспорт 117,5 фоизга ўсган бўлса, импорт 131,9 фоизга ўсган.

МДХ давлатлари орасида Россия, Қозоғистон, Украина, Тожикистон давлатлари ташқи савдо айланмасида асосий ҳамкорлар ҳисобланиб, уларнинг жами ташқи савдо айланмасидаги улуши 35,8 % ни ташкил қилади, бошқа давлатлар орасида Хитой, Туркия, Афғонистон, Германия, Латвия, Литва, Ҳиндистон ва АҚШ давлатлари ҳисобланади.

**Қашқадарё вилояти ташқи савдо айланмасида нисбатан катта
улушга эга бўлган давлатлар, фоизда
(2018 йил январь-декабрь)**



Қашқадарё вилоятининг 2018 йил январь-декабрь ҳолатига ташқи савдода энг асосий ҳамкор давлатлари Жанубий Корея (24,3 %), Хитой (19,6 %), Россия (10,5 %), Туркия (7,0%) ҳисобланиб, уларнинг жами ташқи савдо айланмасидаги улуши 61,2% ни ташкил қилади.

Дунёдаги мамлакатлар орасида экспортда ҳамкор давлатлар Жанубий Корея, Хитой, Россия, Туркия, Тожикистон, Индонезия ҳисобланиб, уларнинг жами экспортдаги улуши 75,3 % ни ташкил қилади, импортда эса ҳамкор давлатлар Жанубий Корея, Хитой, Россия, Туркия давлатлари ҳисобланади ва уларнинг улуши 68,0 % ни ташкил қилади.

**Қашқадарё вилояти ташқи савдо айланмасида нисбатан катта
улушга эга бўлган давлатлар
(2018 йил январь-декабрда)**

Давлат номи	Ташқи савдо айланмаси	Экспорт	Импорт	Ташқи савдо айланмаси	
				улуши, %	Ўзгариш сурати, %
Жанубий Корея	183,4	0,0	183,4	24,3	8,8 м
Хитой	146,4	65,8	80,6	19,4	75,6
Россия	79,4	34,0	45,4	10,5	51,1
Туркия	53,0	29,9	23,1	7,0	193,9
Қозоғистон	44,0	27,1	16,9	5,8	78,1
Тожикистон	32,8	31,4	1,4	4,3	18,3 м
Индонезия	29,5	29,5	0,0	3,9	110,4
Италия	22,2	0,0	22,2	2,9	6,4 м
Эрон	16,4	15,0	1,4	2,2	43,3
Япония	16,3	0,0	16,3	2,2	98,1
Украина	12,0	1,1	10,9	1,6	139,9
Германия	9,9	0,0	9,9	1,3	23,0
Афғонистон	8,3	8,3	0,0	1,1	33,8
Латвия	7,9	0,1	7,8	1,0	39,0
АҚШ	5,7	0,1	5,6	0,8	104,0
Бошқалар	87,5	23,6	63,9	11,5	97,9


Қашқадарё вилоятининг экспорт таркибида қарийб барча товарлар ва хизматлар гуруҳлари бўйича ўсиши кузатилмоқда. Кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар экспорти ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106,0 % фоизга, энергия манбаалари ва нефт маҳсулотлари 3,2 мартага ўсган.

Импорт таркибининг умумий ҳажмидан 63,2 % фоизни машина ва асбоб-ускуналар ва 7,3 % фоизини кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар ташкил қилади.




Экспорт ва импорт таркиби	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		2017 йил январь-декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
	2017 йил январь-декабрь	2018 йил январь-декабрь	
Экспорт таркиби	100,0	100,0	117,5
Пахта толаси	28,6	18,2	75,0
озик-овқат маҳсулотлари	16,7	10,0	70,0
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	28,4	25,6	106,0
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	4,1	11,2	3,2 м
қора ва рангли металллар	0,0	0,1	0,0
машина ва ускуналар	0,1	0,1	83,9
хизматлар	9,1	3,5	45,9
бошқалар	13,0	31,2	2,8 м
Импорт таркиби	100,0	100,0	131,9
озик-овқат маҳсулотлари	2,1	2,7	176,0
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	6,4	7,3	150,4
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	0,9	0,4	63,5
қора ва рангли металллар	15,0	17,6	154,6
машина ва ускуналар	67,2	63,2	123,9
хизматлар	4,4	0,5	16,3
бошқалар	4,0	8,3	2,7 м

Хизматлар экспорти таркиби, (%)

2017 йил январь-декабрь




2018 йил январь-декабрь






Товар ва хизматлар экспорти 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида 265,9 млн.АҚШ долларини ташкил этди, шундан: хизматлар экспорти 9,4 млн.АҚШ долларини ёки ташкил этди ва жами экспорт хажмининг 3,5% ини ташкил қилди.

Хизматлар импорти таркиби, (%)

2017 йил январь-декабрь



2018 йил январь-декабрь



Вилоятда кузатилаётган даврда хизматлар импорти 2,7 млн.АҚШ долларини ёки жами импорт хажмининг 0,6% ини ташкил қилди.